

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ГУЛАСАР КОМИЛЖОН ҚИЗИ

**БОЛАЛАРДА НОРЕВМАТИК КАРДИТНИНГ КЛИНИК ВА
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа фанлар (PhD) доктори автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсупова Гуласар Комилжон кизи

Болаларда норевматик кардитнинг клиник ва иммунологик
хусусиятлари..... 3

Юсупова Гуласар Комилжон кизи

Клинические и иммунологические особенности неревматического
кардита у детей 23

Yusupova Gulasar Komiljon qizi

Clinical and immunological features of non-rheumatic carditis in
children..... 37

Элон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ГУЛАСАР КОМИЛЖОН ҚИЗИ

**БОЛАЛАРДА НОРЕВМАТИК КАРДИТНИНГ КЛИНИК ВА
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib2740 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Файзуллаева Нигора Яхяевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Дилфуза Тошпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Ирсалиева Фатима Хуснитдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “___” ___ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс: 99871-207-08-30, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс: 99871-207-08 -30).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юрак-қон томир касалликлари айниқса яллиғланишли ва яллиғланишсиз кечадиган миокарднинг норевматик зарарланишлари жамият ва оилага сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарар келтирадиган касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. Юрак-қон томир касалликлари «...одамнинг сурункали ноинфекцион касалликлари таркибида учинчи ўринни эгаллайди...»¹. Бир қатор тадқиқотларга кўра, юрак-қон томир тизимининг турли касалликларининг ривожланиши, уларнинг истиқболлини башоратлашда иммунитетнинг аутоиммун ва туғма омилларининг муҳимлиги таъкидланган. Болаларда миокардит ривожланиши бўйича хавф гуруҳига киради, айнан болалик даврида юрак-қон томир касалликлари ривожланишининг асосий омиллари шаклланади ва прогнозини ёмонлаштиради, кейинчалик ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашувни пасайтиради. Эрта ёшдаги болаларда миокардит учраш даражасининг юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида, болалар касалликлари, жумладан норевматик кардитни клиник кўринишларини замонавий ташхислаш, прогнозлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада болалар орасида норевматик кардитни барвақт ташхислаш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, беморлар биокимёвий ва иммунологик ҳолати ўзгаришларини аниқлаш, патологияни ўз вақтида рационал фармакотерапиясини ишлаб чиқиш, касалликка ирсий мойиллигини аниқлаш, норевматик кардитни дилатацион кардиомиопатияга ўтишининг предикторларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда болалик давридаги патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, норевматик кардитни дилатацион кардиомиопатияга ўтишининг предикторларини аниқлаш, клиник, диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш, хусусан, юрак-қон томир тизимида асоратлар ривожланишининг олдини олиш чоралари бўйича ислоҳатлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги

¹ Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти. 2022 йилги ҳисобот.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, болаларда норевматик кардитни барвақт аниқлаш, прогнозлаш ва касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, турли аъзо ва тўқималарда ноинфекцион яллиғланишнинг асосий механизмлари аутоиммун ва аутояллиғланиш жараёнлари бўлиб ҳисобланади, бу жараёнлар иммун тизимининг тўлақонли фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлиб, иммун тизими шаклланиш босқичида бўлган кичик ёшдаги болалар учун янада долзарблашади. Эрта ёшдаги болаларда аутоиммунизация маркёрлари, туғма носпецифик иммунитет кўрсаткичларининг юрак-қон томир тизимининг клиник-функционал ҳолати билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш олиб борилаётган даволаш ва профилактик чора-тадбирларни патогенетик коррекциялаш имконини беради.

Бир неча ўн йилликлар давомида юрак иммунологик эффектор ҳужайралар, шу жумладан Т- ва В-лимфоцитлар, шунингдек уларнинг антителалар, медиаторлар ва цитокинлар каби маҳсулотларига таъсир қилиш учун нишон бўлганлиги аниқланди (Dasgupta S., Iannucci G., Mao C., et al.2019, Tschore C., Ammirati E., Bozkurt B. et al.2021). Бугунги кунда юрак иммун тизимининг шикастланиши ва стрессига жавоб берадиган орган сифатида қаралади. Ҳайвонларнинг моделлари устида олиб борилган тадқиқотлар иммун тизимининг юрак гомеостазини сақлаш ва юрак-қон томир касалликларини ривожлантиришдаги ролини тушунишни янада чуқурлаштирди.

Норевматик кардитлар ва кардиомиопатиялар ҳанузгача болаларда юрак-қон томир тизими касалликлари орасида энг кам ўрганилган йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Етакчи педиатрларнинг кўплаб ишларида кардиомиопатия ҳолатларининг болалар орасида ўсиб бораётгани қайд этилган (Вайханская Т.Г. ва

хаммуаллифлар, 2019; Edwards W.D., 2018). Шу билан бирга, болаларда норевматик кардит (НК) ва дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ҳолатида оғир асоратларни башоратлаш ва олдини олиш касаллик динамикасида клиник-функционал ҳамда лаборатор кўрсаткичларни баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкин (Алексова А.М., 2017). ДНК-ташҳисот, биокимёвий маркёрлар ва функционал тадқиқот усуллари ёрдамида юрак етишмовчилигининг оғирлик даражасини баҳолаш бўйича тадқиқотлар мавжуд. Ушбу тадқиқотлар беморларнинг фақатгина катта ёшли контингентда ўтказилган ва қарама-қарши натижаларни кўрсатган (Алиева А.М. ва ҳаммуал., 2018; Ponikowski P. et al., 2016).

НК ва ДКМП орасидаги ташҳисот жиҳатларини етарлича билмаслик, бунинг натижада эса даволашга дифференциацияланмаган ёндашув нафақат даволашнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, балки болаларда ушбу патологияларнинг кечишини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Касалликнинг прогрессияланиши юрак етишмовчилигининг шаклланишига олиб келади. Юқорида айтилганларнинг барчаси болаларда НК ва ДКМПни ташҳислаш, башоратлаш ва даволашни малакали олиб бориш учун клиник-инструментал ва иммунобиокимёвий мезонларни ишлаб чиқиш долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» (2022-2026 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда норевматик кардитнинг клиник ва иммунологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатиянинг учраш даражаси ва клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

болаларда норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатияда туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичлари ҳамда яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлаш;

болаларда норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатиянинг ривожланишида аутоиммун маркёрлар ролини аниқлаш;

олинган маълумотлар асосида болаларда норевматик кардитнинг дилатацион кардиомиопатияга ўтишининг предикторларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Самарканд вилоят кўптармокли болалар марказида норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатия билан назоратида бўлган 106 нафар болалар ва 20 нафар амалий жиҳатдан соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва соғлом болалар вена қони ва қон зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анамнестик, умумклиник, биокимёвий, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор норевматик кардитда CD16+ нинг ортиши фониди миокард шикастланиши маркёрлари (КФК-МВ ва NT-proBNP)нинг аутоиммун кўрсаткичлар (ANA, оДНК га АТ) билан ўзаро боғлиқлиги аутояллиғланиш, оксидатив стресс ва туғма иммунитет дисрегуляцияси жараёнлари ҳисобига миокарднинг ремоделланишига ва юрак етишмовчилигининг кучайишига олиб келиши исботланган;

илк бор дилатацион кардиопитияда Th1-жавоб ва цитотоксик реакцияларнинг сусайтирилишини акс эттирувчи, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши механизмлар ўртасидаги мувозанатни ўзгартирувчи IL-4 ва INF γ , CD8+ ва NT-proBNP орасида ўзаро боғлиқлик ўз навбатида миокард тўқималарининг шикастланишини кучайтириши исботланган;

илк бор норевматик кардитда мембранага-хужум қилувчи комплексларнинг фаоллашуви натижасида яллиғланишни кучайтирувчи, миокард шикастланиш маркёрлари КФК-МВ ва NT-proBNP билан С3, С4 комплемент орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги дилатацион кардиомиопатияда яққолроқ ифодаланиши исботланган;

болаларда КФК-МВ, NT-proBNP, IgG, IL-4, ANA миқдорлари билан норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатия кечиши оғирлиги орасида боғлиқлик мавжудлиги ушбу маркёрларнинг юрак ремоделлашувида ҳам аҳамиятли эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатиянинг клиник кечишини баҳолашда иммунологик кўрсаткичларни (CD8+, CD16+, IgG, IL-4, IFN γ) аниқлаш асосланган;

норевматик кардит билан касалланган болаларда дилатацион кардиомиопатия ривожланишининг муҳим башоратли мезонлари ҳисобланган биокимёвий - (КФК-МВ и NT-proBNP) ва аутоиммун маркёрлар (оДНК, ANA) концентрацияларини аниқлаш асосланган.

олинган маълумотлар асосида болаларда норевматик кардитнинг дилатацион кардиомиопатияга ўтишининг предикторлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларидаги ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, лаборатор, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларидаги илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатия билан касалланган болаларда иммунобиокимёвий маркёрларни комплекс қиёсий ўрганилганлиги, норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатия патогенезида иммунобиокимвий маркёрларнинг (CD8+, CD16+,

IgG, C3, IL-4, IFN γ , оДНК, ANA, КФК-МВ, NT-proBNP) аҳамиятли роли исботланганлиги, илк бор болаларда КФК-МВ, NT-proBNP, IgG, IL-4, ANA даражаларининг норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатия кечишининг оғирлиги билан боғлиқлиги аниқланганлиги, шунингдек юракнинг ремоделланишида уларнинг аҳамияти намоёиш этилганлиги, норевматик кардит билан касалланган болаларда дилатацион кардиомиопатия ривожланиши ва иммунбиокимёвий маркерлар (CD8+, CD16+, IgG, C3, IL-4, IFN γ , оДНК, ANA, КФК-МВ, NT-proBNP) даражаларининг ўзгариши ўртасида пропорционал боғлиқлик ва уларнинг чегаравий қийматлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатиянинг клиник кечишини баҳолашда иммунологик кўрсаткичлар (CD8+, CD16+, IgG, IL-4, IFN γ) аниқланганлиги, норевматик кардит билан касалланган болаларда дилатацион кардиомиопатия ривожланишининг муҳим башоратли мезонлари ҳисобланган биокимёвий (КФК-МВ и NT-proBNP) ва аутоиммун (оДНК, ANA) маркерлар концентрациясини аниқлаш асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда норевматик кардитнинг клиник ва иммунологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор норевматик кардитда CD16+ нинг ортиши фонида миокард шикастланиши маркерлари (КФК-МВ ва NT-proBNP)нинг аутоиммун кўрсаткичлар (ANA, оДНК га АТ) билан ўзаро боғлиқлиги аутояллиғланиш, оксидатив стресс ва туғма иммунитет дисрегуляцияси жараёнлари ҳисобига миокарднинг ремоделланишига ва юрак етишмовчилигининг кучайишига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Болаларда кардит ташҳисини оптималлаштиришда аутоиммун маркерларнинг роли» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 16.07.2024 йилдаги №71-1-сонли ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 06.09.2024 йилдаги № 222-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-сентябрдаги № 06/104-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* норевматик кардитда аутояллиғланиш, оксидатив стресс ва туғма иммунитет дисрегуляцияси жараёнлари ҳисобига миокарднинг ремоделланиши ва юрак етишмовчилигининг кучайиши ривожланишини ўз вақтида башоратланиши асоратларни ривожланишини олдини олиш усулларидадан фойдаланиш учун имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши норевматик кардитда аутояллиғланиш, оксидатив стресс ва туғма иммунитет дисрегуляцияси жараёнлари ҳисобига миокарднинг ремоделланиши ва юрак етишмовчилигининг кучайиши ривожланишини ўз вақтида башоратланиши,

мазкур беморларни даволаш тактикасига такомиллаштирилган усулларни қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 500000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* норевматик кардитда аутояллиғланиш, оксидатив стресс ва туғма иммунитет дисрегуляцияси жараёнлари ҳисобига миокарднинг кучли ремоделланиши ва юрак етишмовчилигининг кучайиши ривожланишини ўз вақтида башоратланиши асоратларни ривожланишини олдини олиш усулларида фойдаланиш учун имкон яратиб, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, асоратлар ҳамда ўлимни камайтириш имконини бериши асосланган;

иккинчи илмий янгилиги: илк бор дилатацион кардиопитияда Th1-жавоб ва цитотоксик реакцияларнинг сусайтирилишини акс эттирувчи, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши механизмлар ўртасидаги мувозанатни ўзгартирувчи IL-4 ва INF γ , CD8+ ва NT-proBNP орасида ўзаро боғлиқлик ўз навбатида миокард тўқималарининг шикастланишини кучайтириши исботланганлиги бўйича «Болаларда кардит ташҳисини оптималлаштиришда аутоиммун маркерларнинг роли» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 16.07.2024 йилдаги №71-1-сонли ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 06.09.2024 йилдаги № 222-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-сентябрдаги № 06/104-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* дилатацион кардиомиотияда миокард тўқималарининг шикастланишини олдини олиш усулидан фойдаланиш ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши дилатацион кардиомиотияда миокард тўқималарининг шикастланишини олдини олиш усулидан қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 500000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* дилатацион кардиомиотияда миокард тўқималарининг шикастланишини олдини олиш усулидан фойдаланиш даволаниш самарасини оширишга ҳамда натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини бериши асосланган;

учинчи илмий янгилиги: илк бор норевматик кардитда мембранага-хужум қилувчи комплексларнинг фаоллашуви натижасида яллиғланишни кучайтирувчи, миокард шикастланиш маркёрлари КФК-МВ ва NT-proBNP билан С3, С4 комплемент орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги дилатацион кардиомиопатияда яққолроқ фойдаланиши исботланганлиги бўйича «Болаларда кардит ташҳисини оптималлаштиришда аутоиммун маркерларнинг роли» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил

23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 16.07.2024 йилдаги №71-1-сонли ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 06.09.2024 йилдаги № 222-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-сентябрдаги № 06/104-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* норевматик кардитда мембранага-ҳужум қилувчи комплексларнинг фаоллашуви орқали яллиғланишни кучайтирувчи, миокардининг шикастланиш маркёрлари КФК-МВ ва NT-proBNP билан С3, С4 комплемент орасида ўзаро боғлиқлик аниқланган, бу ўз навбатида беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда фойдаланиш имконини бериб, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилайти; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши норевматик кардитда мембранага-ҳужум қилувчи комплексларнинг фаоллашуви орқали яллиғланишни кучайтирувчи, миокардининг шикастланиш маркёрлари КФК-МВ ва NT-proBNP билан С3, С4 комплемент орасида ўзаро боғлиқлик аниқланган, бу ўз беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда инobatга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланишни қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 500000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* норевматик кардитда мембранага-ҳужум қилувчи комплексларнинг фаоллашувини инobatга олиб асоратларни олдини олиш чора тадбирларидан фойдаланиш, даволашда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга имконини бериши асосланган;

тўртинчи илмий янгиллиги: болаларда КФК-МВ, NT-proBNP, IgG, IL-4, ANA миқдорлари билан норевматик кардит ва дилатацион кардиомиопатия кечиши оғирлиги орасида боғлиқлик мавжудлиги ушбу маркёрларнинг юрак ремоделлашувида ҳам аҳамиятли эканлиги исботланганлиги бўйича «Болаларда кардит ташхисини оптималлаштиришда аутоиммун маркерларнинг роли» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 16.07.2024 йилдаги №71-1-сонли ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ 06.09.2024 йилдаги № 222-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-сентябрдаги № 06/104-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* болаларда КФК-МВ, NT-proBNP, IgG, IL-4, ANA даражалари ва норевматик кардит ҳамда дилатацион кардиомиопатия кечишининг оғирлиги даражасини белгиловчи ушбу маркёрларнинг инobatга олиниши, ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини

беради; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Андижон болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий этилиши болаларда норевматик кардит ҳамда дилатацион кардиомиопатия кечишининг оғирлиги даражасини белгиловчи маркёрлардан фойдаланиб, асоратларни олдини олишни қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 500000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса*: болаларда норевматик кардит ҳамда дилатацион кардиомиопатия кечишининг оғирлиги даражасини белгиловчи маркёрлардан фойдаланиб касаллик кечишини башорат қилишни имконини бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жамиб та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, мақсад, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалий тиббиётга жорий этилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда кардиологик патология муаммосининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Таҳлилда болаларда норевматик кардитнинг этиопатогенези, хавф омиллари, тарқалиш частотаси ва диагностикаси, унинг иммунобиокимёвий жиҳатлари, шунингдек, замонавий даволаш усуллари ҳақидаги замонавий қарашлар баён қилинган ҳамда ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ тадқиқот материаллари ва усуллари тасвирланган. Тадқиқот вазифасини ҳал қилиш учун 2021–2023 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Самарқанд тиббиёт университети клиникасининг кардиоревматология

бўлимида даволанган ва текширувдан ўтган 1-18 ёшдаги 106 нафар боланинг комплекс текшируви ўтказилган. Тадқиқотда клиник-анамнестик, лаборатория, инструментал, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган. 106 нафар боладан: 65 нафарида норевматик кардит (НК) аниқланган; 41 нафар болада дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ташхиси қўйилган. Барча беморларга тўлиқ клиник текширув, шу жумладан лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказилган. Солиштириш учун тегишли ёшдаги шартли соғлом 20 нафар бола текширувдан ўтказилган. Ташхис халқаро консенсус (МКБ-10) бўйича клиник ва функционал маълумотларга асосан аниқланган. Ташхислар анамнез, клиник, лаборатория (умумий қон ва сийдик таҳлиллари) ва биокимёвий таҳлиллар, шунингдек, инструментал (рентгенография, электрокардиография, эхокардиография) тадқиқотлар асосида тасдиқланган. Патологик жараённинг давомийлиги, ўтказилган ва ҳамроҳ касалликларга алоҳида эътибор берилган. Иммуномақомини баҳолашда имунитетнинг хужайравий звеноси (CD3+, CD4+, CD8+, ИРИ, CD16+, CD25+, CD95+ лимфоцитлари), гуморал звеноси (IgA, IgM, IgG, IgE), цитокинлар (IL-4, IFN- γ), комплемент компоненти (C3, C4), СРБ, биокимёвий маркерлар (КФК-МВ, NT-pro BNP) ва аутоиммун маркерлар (oДНК, ANA) кўрсаткичлари ўрганилган. Иммуно тизимини баҳолаш CD-дифференциация ва рўзетка ҳосил қилиш реакциясида моноклонал антитаначалар (LT серияси, «Сорбент» МЧЖ, Россия) ёрдамида ўтказилган. Серумдаги IgA, IgM, IgG, IgE, IL-4, IFN- γ , C3, C4, СРБ, КФК-МВ, NT-pro BNP, oДНК ва ANA миқдорини аниқлаш учун уч фазали ИФА усулининг «сэндвич» тури қўлланилган. Статистик маълумотларни қайта ишлаш ва график тасвирлаш MS Excel 4.0 дастури орқали амалга оширилган. Маълумотларнинг ишончлилиги (t) критерийси ёрдамида баҳоланган.


Диссертациянинг «**Болаларда кардит ва кардиомиопатиянинг клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида норевматик кардит (НК) ва дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ташхиси қўйилган болаларни текшириш натижалари тақдим этилган. НК ва ДКМП билан касалланган болаларнинг ёш гуруҳлари бўйича таққословчи таҳлил натижалари қуйидаги кўрсаткичларни берди: 0–1 ёш оралиғидаги болалар орасида НК – 12,3%, ДКМП – 24,4%; 1–3 ёш оралиғида НК – 36,9%, ДКМП – 14,6%; 3–7 ёш оралиғида НК – 18,5%, ДКМП – 34,1%; 7–14 ёш оралиғида НК – 23,1%, ДКМП – 24,4%; 14 ёш ва ундан катта ёшдаги болалар орасида НК – 12,3%, ДКМП – 24,4%.

Гендер муносабатда таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, икки гуруҳда ҳам эркак жинс вакиллари устунлик қилади (НК – 54,4%, ДКМП – 51,2%).

Клиник симптоматика таҳлили шуни кўрсатдики, 0–11 ойлик чақалоқларда ДКМП билан касалланган болаларда йўтал, тахикардия, бурунлаб учбурчаги цианози, қўл-оёқ шишиши, иситма ва қусиш (100% ҳолларда) тез-тез учрайди. 1–3 ёшли болалар гуруҳида ДКМП билан касалланганларда тахикардия (100% га нисбатан 37,5%), цианоз (100% га нисбатан 12,5%) ва қўл-оёқ шиши (66,7% га нисбатан 25%) устунлик қилади, ҳолбуки, НК бўлган болаларда кўпроқ иштаха йўқолиши (83,3% га нисбатан 33,3%) қайд этилган.

4–6 ёш гуруҳида ДҚМП билан касалланганларда йўтал, тахикардия, цианоз ва шишлар кўпроқ учрайди, ҳолбуки, НК бўлган болаларда иштаҳа йўқолиши ва инжиқлик яққол намоён бўлади. 7–12 ёш оралиғида ДҚМП билан касалланган болаларда тахикардия, цианоз ва шишлар сақланиб қолади, ҳолбуки, НК бўлган болаларда кўпроқ иштаҳа йўқолиши қайд этилган. 13–17 ёшли ўсмирларда ДҚМП учун цианоз, тахикардия ва шишлар хос бўлса, НК бўлганларда асосан иштаҳа йўқолиши ва бошқа симптомларнинг нисбатан камроқ намоён бўлиши кузатилган.

Ҳамроҳ касалликларни таҳлил қилиш Ҳамроҳ касалликларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 0–12 ойлик чақалоқлар орасида ДҚМП билан касалланган болаларда ЛОР-касаликлар, камқонлик, ошқозон-ичак тизими (ОИТ) патологиялари, неврологик бузилишлар, БЭН (бош мия энцефалопатияси) ва рахит анча кўпроқ учрайди (100% га нисбатан 16,7–66,7%). 1–3 ёшли болалар гуруҳида ДҚМП билан касалланганларда ОИТ касаликлари (83,3% га нисбатан 37,5%), ЛОР-патологиялар (33,3% га нисбатан 12,5%) ва неврологик бузилишлар (33,3% га нисбатан 12,5%) юқори даражада сақланиб қолади. 4–6 ёшли болалар гуруҳида ОИТ касаликлари ва ЛОР-касаликлари ДҚМП билан касалланганларда ҳам юқори даражада учрайди (57,1% га нисбатан 25% ва 21,4% га нисбатан 8,3% мос равишда). 7–12 ёшли болаларда ДҚМП билан касалланганлар орасида камқонлик (70% га нисбатан 46,7%) ва ОИТ касаликлари (20% га нисбатан 13,3%) кўпроқ кузатилади, ҳолбуки, ЛОР-патологиялар НК билан касалланган болаларда устунлик қилади (6,67% га нисбатан 0%). 13–17 ёшли ўсмирларда ДҚМП билан касалланганлар орасида камқонликнинг юқори учрашиш ҳолати сақланиб қолади (60% га нисбатан 37,5%), бироқ ОИТ касаликлари ва аллергия патологиялар НК билан касалланган болаларда кўпроқ учрайди. (расм 1).



1-расм. Ҳамроҳ касаликлар (%)

Болаларда НК ташхиси бўйича кўрсак бўшлиғи аъзоларининг ультра товуш текшируви (УТТ) маълумотларини таҳлил қилиш натижалари куйидагиларни кўрсатди: Жигарда реактив ўзгаришлар 29,3% ҳолларда аниқланди. Гепатомегалия ва ўт қопада димланиш 3,08% ҳолларда қайд этилди. Бўйракларда яллиғланиш жараёнлари 4,62% ҳолларда учради. ДКМП билан касалланган болаларда эса куйидаги ўзгаришлар кузатилди: Жигарда реактив ўзгаришлар 12,2% ҳолларда аниқланди. Гепатомегалия 14,6% ҳолларда қайд этилди. Ўт қопада димланиш 2,44% ҳолларда учради. Бўйракларда яллиғланиш жараёнлари 17,1% ҳолларда кузатилди.

Электрокардиографик таҳлил натижалари Шунингдек, биз НК билан касалланган болаларда электрокардиографик (ЭКГ) диагностика маълумотларини таҳлил қилдик. Натижалар куйидагича бўлди: Миокард гипертрофияси 38,5% ҳолларда учради. Синус тахикардияси 35,4% ҳолларда аниқланди. Гисса шохчаси блокадаси 10,8% ҳолларда қайд этилди. Юракнинг реполяризация бузилишлари 7,69% болаларда учради. Шунингдек, 1,54% ҳолларда экстрасистолия, миокардда ишемик ўзгаришлар ва синус брадиаритмия аниқланди.

ДКМП билан касалланган болаларда эса куйидаги натижалар қайд этилди: Миокард гипертрофияси 75,6% ҳолларда учради. Синус тахикардияси 70,7% ҳолларда аниқланди. Гисса шохчаси блокадаси 31,7% ҳолларда кузатилди. Юракнинг реполяризация бузилишлари 9,76% болаларда қайд этилди. Шунингдек, миокардда ишемик ўзгаришлар ва суправентрикуляр тахикардия 2,44% ҳолларда учради.


Норевматик кардит (НК) билан касалланган болаларда эхокардиографик (ЭХОКГ) таҳлил куйидаги натижаларни кўрсатди: Систолик дисфункция белгилари, чиқариш фракциясининг 26% дан 40% гача пасайиши 24,6% (n=16) ҳолларда қайд этилди. Юрак камераларининг кенгайиши 27,7% (n=18) ҳолларда аниқланди. Митрал ва трикуспид қопқоқларда регургитация мос равишда 32,3% (n=21) ва 9,23% (n=6) болаларда кузатилди. Сўл қоринча деворларининг гипокинезияси 7,69% (n=5) ҳолларда учради. Ўнг ва чап қизилўнгачлар орасидаги тешик аневризма 3,08% (n=2) болаларда қайд этилди. Дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ташхиси қўйилган болаларда ЭХОКГ таҳлили куйидаги ўзгаришларни кўрсатди: Систолик дисфункция белгилари, чиқариш фракциясининг 23% дан 40% гача пасайиши 48,8% (n=20) болаларда аниқланди. Юрак камераларининг кенгайиши 85,4% (n=35) ҳолларда кузатилди. Митрал ва трикуспид қопқоқларда регургитация мос равишда 58,5% (n=24) ва 14,6% (n=6) болаларда қайд этилди. Чап қоринча деворларининг гипокинезияси 24,4% (n=10) болаларда учради.

Клинико-инструментал ташхис усуллари асосида юрак етишмовчилигининг оғирлик даражасини баҳолаш мақсадида НК ва ДКМП билан касалланган болалар турли босқичларга ажратилди: I даражали юрак етишмовчилиги энг кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, 43,1% (n=28) болаларда қайд этилди. III даражали сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) 1,54% (n=1) ҳолларда аниқланди. ДКМП билан касалланган болаларда IIА босқич юрак

етишмовчилиги 22% (n=9), IIВ босқич юрак етишмовчилиги 41,5% (n=17) ва III даражали СЮЕ 36,6% (n=15) болаларда учради.

Рентгенологик таҳлил натижалари қуйидагича бўлди: Норевматик кардит (НК) билан касалланган болаларда бронхит белгилари 4,62%, пневмония белгилари 3,08%, кардиомегалия эса 9,23% ҳолларда аниқланди. Дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) билан касалланган болаларда бронхит ва пневмония белгилари 2,44% ҳолларда қайд этилди, кардиомегалия эса 51,2% ҳолларда кузатилди.

Креатинкиназа МВ (КФК-МВ) миокард шикастланишини кўрсатувчи специфик ва сезувчан биомаркер ҳисобланади. Ушбу фермент даражасини таҳлил қилиш натижалари қуйидагича бўлди: чақалоқлар (0–11 ой) орасида дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) билан касалланган болаларда КФК-МВ даражаси $46,5 \pm 2,02$ Ед/л ни ташкил этди, норевматик кардит (НК) билан касалланган болаларда эса $30,6 \pm 1,03$ Ед/л бўлди, яъни ДКМП ҳолатида КФК-МВ 1,52 марта юқори ($p < 0,05$). Ўсмирлар (13–17 ёш) гуруҳида ДКМП билан касалланганларда КФК-МВ даражаси $41,3 \pm 1,63$ Ед/л, НК ҳолатида эса $35,9 \pm 1,38$ Ед/л бўлиб, ДКМПда 1,15 марта юқори эканлиги аниқланди. Бошқа ёш гуруҳларида ҳам КФК-МВ даражаси ДКМП билан касалланганларда юқори бўлган: 4–6 ёшда 1,43 марта, 7–12 ёшда эса 1,22 марта. (Расм 2).



2-расм. Текширилиган болаларда КФК-МВ миқдори, Ед/л


Бизнинг таҳлилларимизда норевматик кардит (НК) ва дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) билан касалланган болаларда натрийуретик пептид (NT-proBNP) миқдори аниқланди. Таҳлил натижалари шундан далolat берадики, иккала гуруҳда ҳам юрак-қон томир гемодинамикасининг ёмонлашиши билан биргаликда NT-proBNP даражасининг ошиши кузатилди. Энг яққол ўсиш ДКМП гуруҳида қайд этилди. ДКМП билан касалланган болаларда- III даражали сурункали юрак етишмовчилиги (ССН III) бўлган болаларда NT-proBNP миқдори 34 500 пг/мл гача етган. Бу кўрсаткич ДКМПда юрак етишмовчилигининг оғирлик даражасини баҳолашда аҳамиятли биомаркер эканлигини тасдиқлайди. Норевматик кардит билан касалланган болаларда ССН III даражасида NT-proBNP даражаси 1 100 пг/мл гача ошган.

Гурухлар орасидаги фарқ аҳамиятли даражада катта эмас, аммо ДКМП гуруҳида NT-proBNP миқдори анча юқори экани аниқланди.

Диссертациянинг «**Неревматик кардит ва дилатацион кардиомиопатиянинг иммунологик маркерлари**» деб номланган тўртинчи бобида НК ва ДКМП бўлган болаларнинг иммунологик текширув натижалари келтирилган. Т-лимфоцитлар субпопуляция таркибини ўрганиш натижасида Т-хелперлар даражаси НК ва ДКМП бўлган болалар гуруҳида ишончли пасайгани аниқланди ($23,4 \pm 1,8\%$, $20,1 \pm 1,3\%$ га нисбатан $37,5 \pm 1,1\%$), ($P < 0,05$). Супрессор фаоллик кўрсаткичлари ДКМП бўлган болаларда $12,7 \pm 0,65\%$ ва НК бўлган болаларда $14,3 \pm 0,72\%$, назорат гуруҳида эса $18,7 \pm 1,15\%$ бўлган. Т-лимфоцитлар субпопуляция таркибидаги ушбу дисбаланс иммунорегулятор индексида акс этди, у НК ва ДКМП бўлган болалар гуруҳида пасайган.

В-лимфоцитлар Т-хелперлар ёрдамида адекват иммун жавобни шакллантириши мумкин. CD20+-лимфоцитлар даражасида НК ва ДКМП бўлган болаларда ўсиш тенденцияси кузатилган ($25,4 \pm 3,1$). Сурункали иммуноглобулинлар даражасини ўрганиш натижаларига кўра, ҳар икки гуруҳда ҳам IgG ва IgM синтезининг ошиш тенденцияси аниқланган (4.4-расм). Бунда IgA даражаси ДКМП бўлган болалар гуруҳида ишончли равишда назорат гуруҳига нисбатан 1,8 баробар юқори эканлиги аниқланган ($2,35 \pm 0,3$) ($P < 0,05$). Шунингдек, иммуноглобулин E даражаси ҳам ўрганилди, у ДКМП бўлган болаларда икки баробар, НК бўлган болалар гуруҳида эса 1,38 баробар ошган бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан $97,5 \pm 8,6$ г/л, $72,6 \pm 7,4$ г/л ва $52,4 \pm 5,42$ г/л даражада бўлган.

С-реактив оксил натижаларини таҳлил қилиш натижасида ДКМП ва НК бўлган болаларда унинг даражаси мос равишда $62,8\%$ ва $54,2\%$ ҳолатда ошган. ДКМП бўлган болаларда С-реактив оксилнинг ўртача қиймати $7,56 \pm 2,05$ мг/л, НК бўлган болаларда эса $6,28 \pm 1,85$ мг/л ташкил этган. Бу эса назорат гуруҳи кўрсаткичларига ($2,94 \pm 0,96$ мг/л) нисбатан 2,57 ва 2,14 баробар юқори эканлигини кўрсатган.




3-расм. Комплемент компонентлари тизими текширилган болалар (г/л)

